Бюжетдан маблаг олувчи ташкилотларнинг сотиб олиш буйича

2022___ йил «4» Феврал № _7__сонли ШАРТНОМА Қўқон шахри

413

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "BIBISHA " МЧЖ (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари Бахтийорова М биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Випоя 1-сонли тумашларао оргиз дисп номидан (келгусида «Харидор» деб аталади) раҳбари Қ Б Тўйчиев ўрталарида қуйидаги максадларда тузилди.

## 1.Шартнома предмети

1.1.«Сотувчи» «Харидор»га қуйидаги маҳсулотларни етказиб беради:
шахсий химоя воситалар

1.2.Мазкур шартноманинг умумий киймати 19550000 сўм,
Ўн тўққиз миллион беш юз эллик минг сум_ _ (рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) сўмни ташкил килади.

1.3. Маҳсулотлар 2022___ йил Феврал ойида қуйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| | Маҳсулот номи ва тури | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Етказиб бериш суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Перчатки нестерил | | | | |
| 2 | №100 | упаковка | 200 | 97750 | 19 550 000 |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| Жами: | | | | | 19550000 |

Суз билан Ўн тўққиз миллион беш юз эллик минг сум_

**Изох:** Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаетган махсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эхтиеждан ва нарх-навolaрдан келиб чиққан ҳолда алохида спецификация холатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган холатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига аниклик киритилади.

## 2.Ҳисоб-китоб шартлари.

2.1 Олинган маҳсулот,жиҳозлар ва моддий товар бойликлар учун хисоб-китоб тўловлар жадвали бўйича ҳисоб-китоб килинади.

2.2 «Харидор» махсулот учун олдиндан **30 %** дан кам булмаган микдорида туловни амалга оширади хамда тулик хисоб-китобни 20 банк иш кун ичида «Сотувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, счет-фактураларга асосан колган **70%** туловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади..

2.3 Маҳсулотлар учун нарҳ махсулот етказиб беришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиққан холда белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган маҳсулот,жиҳозлар ва моддий товар бойликларга белгиланган нарҳлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Сотувчи» зиммасидан копланади.

## 3. Махсулотниетказ бериш

3.1«Сотувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни келишилган таксимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига етказиб бермайди ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олмайди.

## 4. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:

4.1 «Сотувчи» маҳсулотни сифатини тасдикловчи хужжат (мувофиклик сертификати ва санитария-гигиена сертификати ва хоказолар) ҳамда маҳсулотдан намуна такдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Сотувчи» «Харидор» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок мухр босилган ишонч коғози кўрсатган вакилга маҳсулот беради. . Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч когозида курсатилмаган маҳсулотларни ёки маҳсулотларни ишонч коғозида белгиланган микдоридан ортик берган холларда бу маҳсулотлар учун «Харидор» томонидан хак туланмайди. Шунингдек, «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса бу маҳсулотлар «Сотувчи»га кайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун хак тўланмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатнома орқали расмийлаштирилади.

4.3.«Сотувчи» етказиб бераетган маҳсулотларини ҳисоб-варакларда тўлик ва аник номини, навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-вараклар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

4.4. «Харидор» «Сотувчи» томонидан юборилган маҳсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган маҳсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

## 5. Жарималар қўланилиши

5.1 Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки саклаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб келган ҳолда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб утилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима кўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи» муддатида етказилмаган маҳсулотларни умумий кийматини 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Харидор»га жарима тўлайди.

5.3 Қабул қилинган махсулот учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда хар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган маҳсулот қийматидан "Харидор" томонидан 0.04 % микдорида "Сотувчи" га пеня тўланади.

5.4 Жарималартўланиши«Сотувчи»нива«Харидор»ни, шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5,5 умумий сумма хисоб варакда ташкил этади 19550000 сумма

## 6.<Форсмажор>

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини,енгин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва хукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

## 7. Шартнома муддати

7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
7.2 Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
7.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
б) «Сотувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Харидор» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
в) «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1 , 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда;
г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Сотувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
Изоҳ: **б,в,г,д** пунктлари бўйича шартномалар «Харидор» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Харидор» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум килади

## 8 Кўшимча шартлар

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган такдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан туманлар аро иктисодий суд оркали хал килинади.
8.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.
8.3 Шартнома спецификацияси келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиеждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алохида тузилиб иккала томон иштирокида имзоланиб тасдиқланади ва илова сифатида ушбу шартномани ажралмас қисми ҳисобланади.
8.4 Бюджетдан маблағ олувчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан ***бюджет маблағлари*** ҳисобига тузилган шартномалар фақат уларнинг ***ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинганидан*** сўнг кучга киради.
8.5 Бюджетдан маблағ олувчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан ***бюджетдан ташқари*** маблағлари ҳисобига тузилган шартномалар фақат уларнинг ***ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинганидан*** сўнг кучга киради
8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб, ***тегишли ғазначилик бўлинмаларида*** рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

## 9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

**«Сотувчи»**

**BIBISHA " *МСНЈ*"**

(мол етказиб берувчининг номи)

**Манзил: Қўқон шаҳар Ш Рашидов 9/2**
**Телеграмм..+99890-507-84-14**
**Тел: +99890-507-84-14**
**Факс: +99873-542-03-34**
**Ҳ/Р: 20208000505452264001**
**Банк номи : миллий Банк**
**Қўқон ф-ли банк опер +998912057750**
**МФО: 00545 эл почта 14idish@mail.ru**
**СТИР: 308975498**
**ОКОНХ: 13114**

**Раҳбар: Бахтийорова М**

(имзо)

**М.Ў.**

**«Харидор»**

Вилоят 1-сонли ўқумон фтиз дисп

**(бюджетдан маблағ олувчининг номи)**

**Манзил:** Рахима Алимова 40

**Тел./факс:** 542-22-95

**ш/х*** 100021860304057073201054002
**бюджетдан маблағ олувчи СТИРи** 206569667

**ОКОНХ:** 91513

**Ғазначилик бўлинмаси номи:** Вилоят
**Молия Вазирлиги Ягона хисоб варағи**
**Ғазна х/р:** 23402000300100001010
**Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк ХККМ**
**МФО: 00014**
**ғазначилик бўлинмаси СТИРи:** 201122819
**Раҳбар** К.Б. Кучиев
**(лавозим) (Ф.И.Ш)**

**(имзо)**

**М.Ў.**

## Хукукий хулоса

Мен ушбу шартномани хукукий экспертизадан утказдим. Мазкур шартномада курсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Конуни ва Фукаролик кодекси билан тартибга солинади хамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби юкорида зикр этилган конунчилик талабларига мос келади.

Хукукшунос: Назаров И